Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
22 ИЮНЬ 1967 й.
ПАЙШАНБА
№ 144 (299)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТДА САНЪАТ КУНИ

Бугун Навоий номли катта академик театрнинг энг етакчи санъаткорлари Авиация заводида бўлдилар. Санъаткорлар дастлаб ишчиларнинг меҳнати билан танишдилар. Ўз навбатида санъаткорлар ишчиларга бу йилги ижодий режаларини ҳикоя қилиб беришди. Шундан кейин театрнинг хушовоз қўшиқчилари, раққосалари ижросида берилган концерт кизғин кутиб олинди.

«Тошкентка б е л ь» заводининг маданият клубига йиғилган ишчилар, хизматчилар Горький номли рус драма театри артистларини кизғин қарши олдилар. Артистларга корхона раҳбарлари коллективнинг бу йилги меҳнат зафарлари ва Тошкент кабелининг жаҳондаги шуҳратини гапириб бердилар. Театр артистлари кабелсозларга спектакллардан парчалар кўрсатишди.

Ўзбекистон радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетининг эстрада оркестри «Ташсельмаш» заводининг меҳмони бўлди. Муҳаббат Шамаева. Раъно Шарипова, Н. Зокиров, Л. Кравчюкова ва бошқа хушовоз хонандаларнинг ёқимли қўшиқлари машинасозларга манзур бўлди.

Пайпок трикотаж бирлашмасининг ходимлари «Ўзбекфильм» студиясининг вакилларини пешвоз чиқиб кутиб олдилар. СССР халқ артисти, кинорежиссёр Комил Ерматов шу кунларда яратаётган «Революция чавандозлари» фильми ва унинг ижрочилари ҳақида гапириб берди. Шундан кейин бу атоқли режиссёр яратган «Осиё устида бўрон» бадиий фильми кўрсатилди.

* * *

«Таштекстильмаш» заводи клубида Красноярск музкомедия театри артистлари билан корхона ишчи ва хизматчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда завод партия ташкилотининг секретари А. П. Степанов қисқача нутқ сўзлаб, бу ерга меҳмон бўлиб келган артистларни табриклади. Шундан кейин группа раҳбари К. С. Аркадьев жавоб нутқи сўзлади. Ўртоқ Аркадьев ўз нутқида Тошкентлик опера ихлосмандлари танишиши мумкин бўлган театр саҳна асарлари ҳақида, артистлар ва репертуарлар ҳақида гапирди. Шундан кейин театр артистлари бу ерга тўпланганларга концерт қўйиб беришди.

* * *

Яқинда ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонлайдиган химия фармацевтика заводига халқ филармонияси бадиий ҳаваскорлари ташриф буюрдилар. Аввало меҳмонлар корхона билан, у ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан танишдилар.

Халқ филармонияси. нинг раҳбари И. Г. Ладин завод ишчи ва хизматчиларига ўз коллективининг ижодий йўли, унинг планлари ҳамда совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейига кўраётган тайёргарлиги ҳақида сўзлаб берди.

Халқ чолғу асбоблари оркестрининг чиқиши билан концерт бошланди. Д. М. Тарнеев раҳбарлигида революция ва гражданлар уруши йилларидаги ашулалар ижро этилди. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари оммавий ўзбекча «Гулноз» ва хоразм рақсларини ижро этишди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1967 йил 21 июнда ўз ишини давом эттирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Л. И. Брежнев**нинг «Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессияси муносабати билан Совет Иттифоқининг сиёсати тўғрисида»ги доклади юзасидан музокараларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари **К. Ф. Катушев**, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. П. Мжаванадзе**, КПСС Челябинск область комитетининг биринчи секретари **Н. Н. Родионов**, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. Ю. Охундов**, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари **И. Е. Поляков**, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Э. Восс**, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, ёзувчи **А. Е. Корнейчук**, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари **Г. С. Золотухин** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Марказий Комитет Пленуми муҳокама қилинган масала юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган тезисларини муҳокама қилди ва маъқуллади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Л. И. Брежнев** якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум ўртоқ **Ю. В. Андроповни** КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат этиб сайлади.

Пленум ўртоқ **Ю. В. Андроповни** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети секретари вазифасидан озод этди.

Шу билан КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

ИСРОИЛНИНГ ЯҚИН ШАРҚДАГИ АГРЕССИЯСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1967 ЙИЛ 21 ИЮНДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитети Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессияси муносабати билан Совет Иттифоқининг сиёсати тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, **қарор қилади:**

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг Исроил агрессиясини даф этишга, ҳужумга дучор бўлган Бирлашган Араб Республикасини, Сурияни ва бошқа Араб давлатларини қўллаб-қувватлашга, умумий тинчлик иши учун агрессия хатарли оқибатларининг олдини олишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий фаолияти батамом маъқуллансин.

Исроил агрессияси — халқаро империализм энг реакцион кучларининг, аввало АҚШнинг миллий озодлик ҳаракати отрядларидан бирига қарши, меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб, прогрессив социал-иқтисодий ислоҳотлар йўлига кириб олган ва антиимпериалистик сиёсатни ўтказиб келаётган илғор Араб давлатларига қарши қаратилган фитнаси натижасидир.

АҚШ Вьетнамда ўзининг босқинчилик урушини давом эттираётган бир шароитда Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессияси миллий мустақиллик, демократия, тинчлик ва социализм ишининг олға қараб қилаётган тарихий ҳаракатини тўхтатишга уринаётган урушқоқ империалистик доиралар сиёсатининг умумий занжиридаги яна бир халқадир.

Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар, барча прогрессив антиимпериалистик кучлар араб халқларининг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши, ўз ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига доир ҳамма масалаларни ўзлари ҳал қилишдан иборат даҳлсиз ҳуқуқи учун олиб бораётган ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаяптилар. Марказий Комитет Пленуми Совет коммунистларининг, бутун совет халқининг продасини ифода қилиб, Исроил агрессиясини қатъиян қоралайди ва Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, Жазоир ва бошқа Араб мамлакатлари халқлари билан ўзининг бирдам эканлигини билдиради.

Пленум шуни таъкидлайдики, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг тез, қатъий ва биргаликда қилган ҳаракатлари Яқин Шарқда уруш ҳаракатларини тўхтатишда муҳим роль ўйнади. Яқин Шарқдаги воқеалар муносабати билан партиямиз ва Совет ҳукуматининг тутган позициясини, уларнинг амалий тадбирларини бутун совет халқи батамом қўллаб-қувватлади.

Марказий Комитет Пленуми мамнуният билан шуни қайд қиладики, 1967 йил 9 июнь баёнотини имзолаган қардош социалистик давлатлар халқаро воқеалар ривожидаги масъулиятли бир пайтда биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилдилар. Социалистик мамлакатларнинг биргаликда қилаётган ҳаракатлари халқаро империализмнинг агрессив кирдикорларига қарши курашда қудратли омил эканлиги яна бир марта тасдиқланди.

Марказий Комитет Пленуми социалистик мамлакатлар Коммунистик ва Ишчи партиялари Марказий Комитетлари ва ҳукуматларининг шу йил 9 июнь баёнотини батамом маъқуллайди ва Совет Иттифоқи Араб мамлакатлари халқларининг агрессорга қақшатғич зарба беришлари, ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун, Яқин Шарқдаги уруш ўчоғини сўндириш, бу районда тинчликни тиклаш учун уларга ёрдам бериш мақсадида бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда зарур чораларнинг ҳаммасини кўраётганлигини таъкидлайди.

Империализм ва янги мустамлакачилик кучлари Исроилнинг агрессияси натижасида Яқин Шарқда вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, Араб давлатларининг мустақиллиги ва территориал бутунлигига қасд қилаётган ҳозирги пайтда энг муҳим вазифа — агрессорнинг хиёнаткорона ҳаракатлари натижаларидан фойдаланишига йўл қўймасликдан, интервентларнинг қўшинларини улар ишғол қилган территориялардан яраш линиясининг нариги томонига ҳеч қандай шарт қўймай дарҳол олиб чиқиб кетишга эришишдан, агрессорнинг Бирлашган Араб Республикасига, Сурия ва Иорданияга етказган зарарини ундириб олишдан иборат.

Партиямиз сиёсатининг КПСС XXIII съезди белгилаб берган ва Марказий Комитетнинг 1966 йил декабрь Пленуми таъкидлаб ўтган асосий мақсадларига мувофиқ империализмнинг урушқоқ кучларига қарши ва уларнинг бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашиш сиёсатига қарши бундан буён ҳам қураш олиб бориш, Араб давлатларининг озодлик, мустақиллик, территориал бутунлик учун ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашида уларни тўла қувватлаш йўлини давом эттириш зарур.

Совет Иттифоқи билан Араб давлатлари ўртасидаги дўстлик ва жипсликни янада мустаҳкамлаш, империализмнинг кирдикорларига қатъий зарба бериш, унинг халққа зид бўлган чин қиёфасини фош қилиб ташлаш, Мао Цзэдун группасининг антиимпериалистик кучларни бир-биридан ажратиб юборишга, Араб давлатлари халқлари билан социалистик мамлакатлар халқлари ўртасидаги ишончга путур етказишга қаратилган туҳматчилик кампанияси ва бузғунчилик хуружларига қарши қураш олиб бориши зарур.

Марказий Комитет Пленуми Яқин Шарқдаги воқеалар Коммунистик ва Ишчи партияларининг, халқаро ишчилар ҳаракатининг ва Осиё, Африка ҳамда Латин Америкаси халқлари миллий озодлик ҳаракатларининг, барча тинчликсевар ва прогрессив кучларнинг халқлар озодлиги ва мустақиллиги ишини, умумий тинчлик учун кураш ишини қадрлаётган барча кишиларнинг биргалашиб ҳаракат қилишлари зарур эканлигини янада зўр куч билан таъкидлайди, деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съезд қарорларини амалга ошира бориб, бундан буён ҳам империализмнинг агрессив кучларига қарши оғишмай кураш олиб бораверади, совет халқининг ҳушёрлигини юксак даражага кўтараверади, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча йўлини изчиллик билан амалга ошираверади, ўз ҳозирги ва миллий мустақиллиги учун, социал тараққиёт учун курашаётган халқларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан иборат ўзининг интернационал бурчини бажараверади. Тинчлик, демократия ва социализм, миллий озодлик ҳаракати кучларининг биргалашиб қиладиган ҳаракатлари агрессорни жиловлаб қўйишга ва янги жаҳон урушининг олдини олишга қодирдир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Совет Иттифоқининг партия ташкилотларини, барча меҳнаткашларини коммунизм қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида янада зўр бериб меҳнат қилишга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигини муносиб кутиб олишга чақиради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЗИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1967 йил 21 июнда қабул қилган қарори

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган тезислари маъқулансин.

БИНОКОРЛАР КЕНГАШДИЛАР

Бугунги кунда Тошкент улкан қурилиш майдонини эслатади. Москва, Ленинград шаҳарлари, барча қардош республикалар, Ўзбекистон областларининг бинокорлари Тошкентни қайта қуриш ишини тезлаштириш йўлида мумкин бўлган барча тадбирларни кўришмоқда.

Ҳар бир қурилиш ташкилоти катта тажрибага эга. Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг мажлислар залида қурилиш ташкилотларининг илғор тажрибаларини ўртоқлашиш бўйича семинар-кенгаш ўтказилди.

Кенгашда «Главмосстрой» қурилиш бошқармасининг бош инженери Харитонов доклад қилди.

«Главленинградстрой» бошқармасига қарашли «Ленташстрой» 18-трестининг инженери Зибров Тошкентни қайта қуришдаги иш тажрибалари ҳақида гапириб берди.

«Ростташстрой»нинг бош инженери вазифасини бажарувчи Вознесенский Тошкентни қуришда тўпланган тажрибаларга тўхталди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Тошкентда қурилиш ишларини жадаллаштириш йўлларини белгилаб олишди.



Комсомол аъзоси А. Мақсудова Тошкент электротехника заводи монтаж цехининг ёш илғор ишчисидир. Бу меҳнатсевар қиз ўз топшириқларини сифатли ва ортиғи билан адо этиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда электротехника техникуми кечки бўлимининг учинчи курсида ўқийди.

СУРАТДА: А. Мақсудова.
М. Нуриддинов фотоси.

ШИФОХОНАДА СЕМИНАР

Тошкентдаги 15-шаҳар шифохонаси клубида Куйбишев район медицина ходимларининг тажриба алмашиш бўйича семинари очилди. Касалхона партия ташкилотининг секретари Александр Анатольевич Далинко ва касалхона бош врачининг ўринбосари Леонид Григорьевич Рейм семинар қатнашчиларига аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қарорлари муносабати билан медицина фанининг янги ютукларини амалда қўллаш учун қандай ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида гапириб беришди.

Шаҳарни ривожлантиришнинг бош плани:



ПРОБЛЕМА ВА ТАКЛИФЛАР

ҚУРИЛИШ ВА УНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

«Главташкентстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати В. СКРЕБНЁВ ҳикоя қилади

ШАҲРИМИЗДА қурилиш ва ривожланишнинг икки асосий мақсад белгилайди. Биринчи мақсад беш йиллик планда кўзда тутилган масалаларни ҳал этишдир. Иккинчи мақсад эса Тошкентни тубдан реконструкция қилиб қайтадан қуриш ва уни мамлакатимиздаги энг чиройли, обод шаҳарлардан бирига айлантиришдир. Ҳар икки мақсад шаҳарни ривожлантиришнинг бош планида кўзда тутилиб, бир-бири билан чамбарчас боғланган.

Беш йилликда давлат капитал маблағлари ҳисобига беш миллион квадрат метр турар жой бинолари қуриш, ўнлаб километр водопровод ва канализация тармоқларини ётқизиш, кўпгина янги йўл, кўча, проездлар қуриш, трамвай, троллейбус линияларини ўтказиш кўзда тутилган. Кўпгина янги мактаб, болалар боғча ва яслилари, шифохона, поликлиника, кинотеатр, савдо марказлари, ҳаммомлар, кир ювиш хоналари, меҳмонхона ва кўпгина корхона ҳамда муассасаларга қарашли бинолар ҳам қад кўтаради.

Агар 1966 йилда қурилиш асосан Чилонзор районидаги бўш майдонларда олиб борилган бўлса, эндиликда шаҳар марказидаги тиклаш ва қайтадан қуриш ишларига катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга қурилиш авж олдирилган янги районлар барпо бўлмоқда. Масалан, шаҳарнинг шимолий қисми ўз ҳажми жиҳатидан Чилонзор районидан қолишмайди.

Шаҳардаги уй-жой бинолари асосан тўрт қаватли бўлади. Аммо шаҳарнинг қиёфасини унинг жамолини ўзгартирадиган 9 қаватли уй-жойлар, шунингдек 17-19 қаватли маъмурий ҳамда жамоат бинолари қад кўтаради.

Қурилишни бундан буён индустриаллаштириш 9 балли сейсмик зонада қурилаётган иншоотларни чидамлилигини оширш бинолар ва иншоотларнинг конструктив томонларини белгилаб беради.

1970 йили қурилиш суръати 1230 минг квадрат метрга етказилади, жумладан унинг 790 минг квадрат метри йирик панелли уйлардан иборат бўлади. Уларнинг 150 минг квадрат метри каркас-ғиштин, 19 процентини эса ғиштин уйлар ташкил этади.

Агар 1966 йили «Главташкентстрой» 400 минг квадрат метрдан сал кўпроқ майдонда уй-жойлар қурган бўлса, 1970 йили бундан 2,5 баравар кўп уй-жой қурилади.

Бундай кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш учун маълум моддий база керак бўлади. Бундай база эса барпо этилмоқда. Шу йилнинг бошида уйсозлик комбинатининг йирик панелли уй қуриш қуввати йилига 300 минг квадрат метрга етказилди. Йилига 140 квадрат метр уй-жой қурилишини таъминлайдиган 2-уйсозлик комбинатининг биринчи навбатида сўнгги қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Йилига уй-жой қурилишини яна 350 минг квадрат метрга орттириш лозим эди. Бунинг учун 1967 йилда 210 минг квадрат метр уй-жой қурилишини таъминлайдиган завод жиҳозлари Франциядан сотиб олинди. Завод лойиҳаси «Гипростроммаш», «ЦНИИЭП» лойиҳалаш институтлари ва «Главташкентстрой» ҳамкорлигида «Камю» фирмаси томонидан тузилмоқда. 1-уйсозлик комбинати составига киради. ган бу корхонада 4 қаватли ва 9 қаватли йирик панелли уйларга нетадиган барча конструкциялар тайёрланади. Бизда 9 балли сейсмли зонага мўлжалланган 9 қаватли йирик панелли уйларни қуриш Иттифоқимизда биринчи марта амалга оширилади.

Бу завод тезкорлик билан қурилияпти. Июль ойида корхона маҳсулот бера бошлайди. У ерда асосий қурилиш ишлари тугалланиб, жиҳозларни монтаж қилиш бошланди. Шу билан бир вақтнинг ўзида уйсозлик комбинатининг 2-навбати ҳам қурилмоқда. 2-навбати ишга тушгач, комбинатнинг умумий қуввати йилига 280 минг квадрат метр йирик панелли уй қуришга етказилади. 1968 йили йирик панелли уйсозликнинг умумий қуввати 790 минг квадрат метрга етказилади. Бу эса беш йилликда мўлжалланган кўламдаги қурилишларни амалга ошириш имконини беради.

Дурадгорлик буюмларга бўлган талабни яхшироқ қондириш мақсадида йилига беш юз минг квадрат метр буюм ишлаб чиқарадиган ёғочсозлик заводи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Дераза ва эшиклари тайёрлайдиган, йилига 500 минг квадрат метр маҳсулот берадиган завод қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Бу корхона учун жиҳозлар Австриянинг «Цукерман» фирмасидан сотиб олинди. Йилига 500 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган эшик блоклари тайёрлайдиган заводда Швециянинг «Густав Чер» фирмасидан олинган ускуналар ўрнатилади. Шу фирмадан йилига 600 минг квадрат метр паркет тахта ишлаб чиқарадиган ускуналар сотиб олинди.

1970 йили қурилишларда 1607 минг куб метр йиғма темир-бетон ишлатилиши мўлжалланмоқда. Бу эҳтиёжни қондириш учун «Главташкентстрой» ва Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Главиндустрия» корхоналари қувватини оширш керак.

Ҳозир «Главташкентстрой»нинг 1, 3, 5, 8, 9-заводларида кенгайтириш ва реконструкция ишлари авж олиб кетди. Шунингдек, Чирчиқ заводи, 5, 2-темир-бетон буюмлари заводи ва «Главстройиндустрия»га қарашли бошқа заводларда ҳам реконструкция ишларига катта эътибор берилмоқда.

Қурилишнинг инерт маҳсулотларга, жумладан, бетонбоп қумга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Қўйлиқ, Чимгез, Юмалоқ, Алимкент, Ғайвалак, Бекобод карьерлари, саралаш заводлари ва ўрнатмаларини реконструкция қилиш ҳамда қуриш ва кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Сергелидаги йилига 240 минг тонна асфальт-бетон, 800 минг тонна изоляцион қувурлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ихтисослаштирилган база қурилмоқда. Қурилишнинг механизмлар билан қуролланиш ўн процентга етказилади.

Бу йирик қурилиш техникасини бошқариш учун янгидан тўртта механизация базаси қурилмоқда. «Главстройиндустрия»га қарашли 1-ремонт-механика заводининг қуввати йилига 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган даражага етказилади. Экспериментал механика заводининг қуввати 3 миллион сўмлик маҳсулот берадиган даражага оширилади. «Минмонтажспецстрой»нинг йилига 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган ремонт заводи қурилмоқда. Бу қўшимча қувватларнинг ҳаммаси шаҳар қурилишидаги эҳтиёжларни таъминлаш учун амалга оширилмоқда. Шундай экан, бу қувватларга ўз идораси манфаат кўзи билан қарамай, улардан ўринли фойдаланиш керак.

Шунингдек, саноат қурилиши материаллари министрлиги ва «Минмонтажспецстрой» корхоналарининг ҳам қўшимча қуввати оширилади.

Афсуски, шу вақтга қадар саноат корхоналари қурувчиларининг иштимоқларига эътибор бермай келмоқдалар. Кўпчилик ҳолларда уларга ёрдам беришдан бош тортадилар. Ҳолбуки, тажрибадан маълум бўлишича, Ленинград, Киев, Донецк, Свердловскнинг илғор қурилиш ташкилотлари ўз шаҳарлари ва республикаларининг саноат корхоналари томонидан кўрсатилаётган эътибор натижаларга эришаётирлар.

ПОЙТАХТНИНГ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

В. ХОЛОДОВНИНГ ҲИССАСИ

Ўтган йили «Главташкентстрой»га қарашли «Висотстрой» трестининг инженери В. Холодов киритган рационализаторлик таклифи юз минг сўм тежаш имкониятини берди.

У Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги шарафига янада аъло ғайрат ва катта ижодкорлик билан ишламоқда. Холодов бинокорлар бригадаси бошлиғи Раҳим Зиёевнинг ташаббусига биринчилар қатори қўшилиб, шахсий мажбурият олди. Ёш коммунист бу йил тўртта рационализаторлик таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилиб, бир йилда юз минг сўм тежаш мажбуриятини олди.

БЕЛОРУССИЯ УЙЛАРИ

Белоруссия бинокорлари қурилишни муддатидан икки ой олдин тугатиш мажбуриятини олишди. Тошкентликлар 25 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар ва 960 ўқувчига мўлжалланган мактаб биносини қардошлардан қабул қилиб оладилар.

Белоруссиялик а р-нинг битта 50 квартирали ва битта 100 квартирали уйлари фойдаланишга топширилди. Ой охиригача тошкентликлар яна 250 квартира оладилар.

МИНОРА УЙЛАР

«Россия» меҳмонхонасининг рўпарасида қурилган тўққиз қаватли уй минора шаклида. Ҳозирча бундай уй шаҳарда битта. Сентябрь ойида Оқтепа майдонида яна учта шу типдаги уй фойдаланишга топширилади.

Украиналик бинокорлар бу майдонда юбилей шарафига олинган мажбуриятларни бажариш учун ғайрат қилишяпти. В. Иваненко бошлиқ комплекс бригада аъзолари графикни беш ҳафта олдин бажаришмоқда.

МУСТАҲКАМ БИНОЛАР

Зилзила ўчоғидаги «Ц-4» ва «Ц-5» кварталларида уйлар ниҳоят мустаҳкам қурилмоқда. Бу бинолар бетон конструкциялар, темир-бетон плиталар, металл арматуралар билан мустаҳкамланиб, уларнинг пойдеворига бақувват жисмлар ётқизилмоқда. Инженерлар бундай уйларга «қалъа уйлар» деб ном беришди.

Бу уйлар кўринишдан жуда бежирим ва чиройли бўлади. Уйларнинг ташқи деворига керамзит-бетон қопланади. Деразалари кенг, айвонлари катта бундай уйларда хонадонлар барча қулайликлардан баҳраманд бўлишади.

Бу тўққиз қаватли уйларнинг ҳаммасида бир хоналикдан тортиб беш хоналиккача квартиралар бўлади. Россия Федерациясининг «Ц-5» кварталларида 54 та шу типдаги уйларни қуришади.



Коммунистик меҳнат зарбдори Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турсун Тўхтахўжаев Граждан авиацияси Тошкент авиапортининг илғор «ИЛ-18» самолёти экипажи командиридир. У бошчилик қилаётган учувчилар экипажи юбилей йилида 35 соат учиш соатини тежаш, 20 минг сўм маблағ ҳамда нўлгина ёнилғини тежаш учун курашётир.

Суратда: илғор «ИЛ-18» ҳаво лайнери командири Т. Тўхтахўжаев.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕВОЛЮЦИЯ ТОНГОТАРИДА

(РСДРП ТУРКИСТОН ТАШКИЛОТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА)

Бугун РСДРП Туркистон ташкилотининг туғилганига 50 йил тўлди. У революцион курашга бошчилик қилган партия ташкилотининг шаклланишига асос бўлган эди.

1917 йил февралида подшо ҳукумати ағдарилиб, қўш ҳокимиятчилик юзага келди. Шундай бир шароитда 21—27 июнда РСДРП Туркистон ташкилотларининг II съезди бўлиб ўтди. Большевиклардан Н. В. Шумилов, В. С. Ляпин ва бошқа ўртоқлар меньшевикларнинг муросасозлик сиёсатини фош этувчи резолюция лойиҳаси билан чиқдилар. Бироқ, съездда меньшевикларнинг сон жиҳатидан кўп ўрин олганлиги РСДРП Ўлка бюросини тўзишда меньшевистик составнинг сайланишига олиб келди.

Съездда партияни бирлаштириш тўғрисидаги масала муҳим ўрин олди. Шу масала юзасидан кўпгина делегатлар, айниқса большевиклар чиқиб сўзладилар. Улар масаланинг бундай қўйилишига қарши эдилар. Съезд бир кишининг бетараф бўлгани ҳолда бир овоздан партия уставининг биринчи параграфини март формулировкаси билан «РСДРП Туркистон ўлка ташкилотининг Устави»ни тасдиқлади. Аввалги большевистик таклифлар кўп овоз олмаганлиги туфайли бу сафар ҳам миллий масала бўйича большевистик таклиф кун тартибига қўйилмади ва бу масала юзасидан ҳам меньшевикларнинг резолюцияси қабул қилинди.

Туркистон социал-демократик ташкилотларининг II съезди бирлашиш характерига эга эди. Большевикларнинг меньшевиклар билан бирлашишини маълум шарт-шароит, қийинчиликлар, назарий тайёргарликнинг йўқлиги талаб этарди. Меньшевикларнинг вақтинча муваффақиятлари бироз бўлса-да. Урта Осиё халқларини революцион ҳаракатини тўхтатиб қўйди. Лекин. барчи съездда асосан меньшевикларнинг устунлиги сезилиб турган бўлса-да, у РСДРП Туркистон Ўлка Бюросини ташкилий жиҳатдан шакллантирди. Бу партия ташкилотини янада мустаҳкамлаш имкониятини берди. Большевиклар кўпгина партия ташкилотларида меньшевикларни сиқиб чиқариб, ўз фаолиятларини кучайтира бошладилар.

3 июлда қўш ҳокимиятчилик тугагач, меньшевиклар муваққат ҳукуматни қувватлаб, революциянинг ривожланиш йўлига тўғаноқ бўлдилар. «Бутун ҳокимият Советларга!» шиори РСДРП VI съезди қарори билан кун тартибидан вақтинча олиб қўйилди. Корниловчилик тор-мор этилгандан кейин, партия бу шиорни яна олга сурди. Туркистон большевиклари ҳокимиятни қўлга олиш учун курашга отландилар. А. Першин революцион Петроград ишчиларини Туркистондаги аҳвол билан таништириш учун йўлга чиқди. Петроград Совети унинг докладини тинглаб, Тошкент ишчи ва солдатларининг ҳаққоний талабини қўллаб-қувватлаш тўғрисида резолюция қабул қилди.

Сентябрь воқеалари ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш имкониятларини яқинлаштирди. У Туркистондаги синфий кураш умуммиллий революцион курашининг бир қисми эканлигини кўрсатди.

1917 йилнинг 25 октябрида қуролли исён натижасида Улуғ Октябрь Социалистик Революцияси ғалаба қозонди. Бу хушхабар Тошкентга эртасигаёқ етиб келиб, 28 октябрда Тошкентда ҳам қуролли кўзғолон кўтарилди. В. С. Ляпин раислигида революцион комитет сайланди. 28 октябрдан 31 октябргача ҳокимият учун шиддатли кураш борди. Кўпгина курашчилар ҳалок бўлдилар. Жумладан, 31 октябрнинг ўзида ўзбек, тожик, рус ва бошқа миллат вакилларидан 79 киши ҳалок бўлди. Халқларнинг революция душманларига нисбатан ғазаб ва нафрати кучайди. Тошкентда бўлганидек, ўлканинг бошқа кўпгина шаҳарларида ҳам революция ғалаба қилди.

Ҳокимият меҳнаткашлар қўлига ўтди. 1917 йилнинг 15—22 ноябрида Тошкентда бўлиб ўтган ўлка Советларининг III съезди Совет ҳокимиятининг бу ердаги ғалабасини мустаҳкамлади.

С. УБАЙДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати.

МАДАНИЯТ ЁВУЗЧИ КУТУБХОНАЧИ

Тошкентда Ўзбекистон кутубхона ходимларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлди. Конференция қатнашчилари Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда кутубхона ишининг ривожланиши тўғрисида гапиридилар. Мана, шундай мисоллардан бири: революцияга қадар бутун Туркистонда китоб фонди 6200 нусхадан иборат атиги иккита оммавий кутубхона бор эди. 1922 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясида китоб фонди 131,4 минг нусха китобга эга бўлган 22 та оммавий кутубхона пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда эса, республикадаги 10600 кутубхона ўз китоб хоналарига 44 миллион том китоб таклиф қила олади.

Кўплаб кутубхоналар барпо этилганлиги, китоб фондларининг бойганлиги малакали мутахассисларнинг кўп минг кишилик армияси кутубхоналарни гоят оммабоп қилиб қўйди. Андижон, Фарғона, Тошкент областларидаги юзлаб кутубхоналар уз микрорайонларида қишлоқдаги ҳар бир оилага, шаҳардаги ҳар бир ишловчига китоб хизмати кўрсатишни уюштириш вазифасини ҳал қилиб қўйишди.

Конференция жамоатчиликнинг адабиётдан фойдаланишни уюштириш тўғрисида мавжуд кутубхоналарнинг ҳаммасидан мақсадга мувофиқ бўлган кутубхоналарнинг ягона умумдавлат системаси ҳақидаги Ленин васиятларини амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилади.

Кутубхона ходимларининг илмий-амалий конференцияси ишида Москва, Қозоғистон, Киргизистон, Туркманистондан келган меҳмонлар ҳам иштирок этдилар. (ЎзТАГ.)

ЖОНАЖОН МАМЛАКАТИМИЗДА

ЛЕНИН УЙ-МУЗЕЙИНИ 4 МИЛЛИОН КИШИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

УЛЬЯНОВСК. (ТАСС мухбири). В. И. Ленининг Ульяновскдаги музейини тўрт миллионинчи томошабин — Ульяновск шаҳар биринчи қуриш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчилар бригадири Н. М. Коробов зиёрат қилди. Уй-Музей директори И. Я. Баранов мана шу муҳим воқеа муносабати билан Н. М. Коробовга Ленин тўғрисидаги китоблар туркумини хотира совғаси қилиб топширди.

Ульяновскга, Ленин бўлган жойларга келувчи экскурсиячилар сони йил сайин кўпаймоқда. 1929 йил 7 ноябрда октябрнинг 12 йиллиги кунида уй-музейга биринчи томошабин келган эди. Мана бугун совет ҳокимиятининг 50 йиллиги арафасида эса, уй-музейни тўрт миллионинчи киши зиёрат қилди. Июнь ойининг ўн олти куни ичидагина В. И. Ленин музейини эллик мингдан ортиқ киши келиб кўрди.

ЛОЙИҲАДАГИ МАРРАГА ЭРИШИЛДИ

Днепропетровск областидаги Грушевка марганец конининг олтинчи шахтаси лойиҳадаги қувватга бир йил илгари эришди. Ҳар куни корхона забойларидан лойиҳадаги нормага қараганда 120—150 тонна кўп руда қазиб чиқарилмоқда. Марганецнинг тугатиш мажбуриятини олишди. Тошкентликлар 25 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар ва 960 ўқувчига мўлжалланган мактаб биносини қардошлардан қабул қилиб оладилар.

Белоруссиялик а р-нинг битта 50 квартирали ва битта 100 квартирали уйлари фойдаланишга топширилди. Ой охиригача тошкентликлар яна 250 квартира оладилар.

МИНОРА УЙЛАР

«Россия» меҳмонхонасининг рўпарасида қурилган тўққиз қаватли уй минора шаклида. Ҳозирча бундай уй шаҳарда битта. Сентябрь ойида Оқтепа майдонида яна учта шу типдаги уй фойдаланишга топширилади.

Украиналик бинокорлар бу майдонда юбилей шарафига олинган мажбуриятларни бажариш учун ғайрат қилишяпти. В. Иваненко бошлиқ комплекс бригада аъзолари графикни беш ҳафта олдин бажаришмоқда.

МУСТАҲКАМ БИНОЛАР

Зилзила ўчоғидаги «Ц-4» ва «Ц-5» кварталларида уйлар ниҳоят мустаҳкам қурилмоқда. Бу бинолар бетон конструкциялар, темир-бетон плиталар, металл арматуралар билан мустаҳкамланиб, уларнинг пойдеворига бақувват жисмлар ётқизилмоқда. Инженерлар бундай уйларга «қалъа уйлар» деб ном беришди.

Бу уйлар кўринишдан жуда бежирим ва чиройли бўлади. Уйларнинг ташқи деворига керамзит-бетон қопланади. Деразалари кенг, айвонлари катта бундай уйларда хонадонлар барча қулайликлардан баҳраманд бўлишади.

Бу тўққиз қаватли уйларнинг ҳаммасида бир хоналикдан тортиб беш хоналиккача квартиралар бўлади. Россия Федерациясининг «Ц-5» кварталларида 54 та шу типдаги уйларни қуришади.

УН УЧИНЧИ ҚАТЛАМ ХАЗИНАСИ

Озарбайжонда Кура бўйи паст текислигида парманланган 53-қудуқнинг ўн учинчи қатлами ўз хазинасини очди. Разведкачилар шу вақтгача бу районда маҳсулдор қатлам деб аталувчи қуйи «қаватлар»ни пармалашга муваффақ бўлмаган эдилар. Энг янги техника ёрдамида ўн учинчи қатлам очилди. Қудуқ бир суткада 60 тонна аъло даражали нефть берди. Ҳозир кўп қатламли нефть майдонининг қуйи қаватларига яна бир неча қудуқ қазилмоқда.

ТРАНЗИСТОРЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР

Львовнинг машҳур «Огонёк» телевизорлари оиласи лампали ва лампасиз ярим ўтказгичли приёмниклар билан бойиди. Улардан биринчи бўлган «ЛПТ-47» приёмниги кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. «ЛПТ-47» телевизори эса келгуси йилдан бошлаб ишлаб чиқарила бошланади. Антенна телевизорнинг ўзига жойлаштирилган бўлиб, электр энергияни икки баравар кам талаб қилади ва ўзидан олдинги телевизорларга нисбатан 6—7 килограмм енгилдир. Бу эса телевизорнинг кичкина вариантини яратиш имконини берди.

СТУДЕНТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШ ОТРЯДИ

Туладан Усть-Илимга студентларнинг биринчи қурилиш отряди келди. Тула Педагогика институтининг юзга яқин студенти баҳорги имтиҳонлар сессиясини муддатдан илгари тамомлаб ёзги каникулларини узоқ тайга ўлкасида ўтказиш — Ангара дарёсидаги учинчи гидростанция қурувчиларига ёрдам бериш учун бу ерга келдилар.

ҚОЗОҒИСТОН АРАБ ШАРҚИГА

ОЛМАОТА, (ТАСС мухбири) Бугун Усть-Каменогорск қўрғошин — рух комбинати Бирлашган Араб Республикасига анча юқори сифатли рух жўнатди. Буюртма муддатидан илгари бажарилди. Чимкентдаги Автомат пресс заводи Сурияга кучли фрикцион пресс жўнатди. Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессияси, Исроил босқинчиларининг босиб олган территорияларда қилаётган ваҳшийликлари араб мамлакатлари буюртмаларини бажараётган Қозоғистон корхоналари коллективларида ғазаб ва норозилик ҳисларинигина уйғотиб қолмади. Шу кунларда республиканинг барча йирик саноат марказларида «Араб биродарларимизга ёрдамимизни кучайтирамиз» деган чақириқни эшитиш мумкин.

Олмаотадан комбинациялаштирилган токарлик станоклари, Целиноградда химия заводлари учун насослар, Чимкентдан қўрғошин, Темиртовдан кальций карбиди, Петропавловскдан электр изоляция материаллари, Уралскдан бўр арматураси. Лениногорскдан пармалаш асбоби, бошқа кўп саноат маҳсулотлари БАР билан Сурияга муддатидан илгари жўнатилди.

Араб мамлакатларининг янги буюртмалари ҳам муддатидан илгари бажарилади, дейишди Қозоғистон корхоналарининг ишчилари.

БАЛАНД ТОҒ ЎТЛОҚЛАРИДА ҚЎЙЛАР

Тожикистон колхоз ва совхозлари бир миллиондан ортиқ қўзи олдилар. ТАСС мухбирига республика статистика бошқармасида бу йилги қўйлар сонини кўпайтириш плани анча ортиғи билан бажарилганлиги хабар қилинди.

Ўтган йилдагига қараганда қарийб 100 минг қўзи кўп олинди.

Ҳозир колхоз ва совхозларнинг ҳамма қўйлари — қарийб 2,5 миллион қўй баланд тоғлардаги яйловларга чиқарилди.

ИЖОДИЁТ УЧУН МУКОФОТЛАР

Ўзбекистонда ҳаваскорлик санъати фестивали бир йил давом қилди. Санъатнинг атоқли арбобларидан тузилган ташкилий комитет халқ ижодиётининг бу катта байрами якунларини чиқарди. Санъат арбоблари ҳаваскор коллективлардаги айрим солистларнинг маҳорати ошганлигини қайд этдилар. Бадиий ҳаваскорлик репертуари анчагина яхшиланди. Вокал хор коллективларининг программаларида совет композиторларининг Ленин, партия, ватан ҳақидаги, халқларнинг улуғ дўстлиги тўғрисидаги кўп асарлари бор.

120 ижодий ҳаваскорлик коллективи республика фестивалининг дипломлари олишган ва лауреат фахрий унвонига сазовор бўлди, шу коллективларнинг юзга яқин раҳбарлари ва 130 энг яхши ижрочилари ёрлиқлар билан мукофотландилар. 100 дан ортиқ энг яхши қўшиқчи, раққос, созанда солистлар ҳам фестиваль дипломлари олишга ва фахрий лауреат деган унвонга сазовор бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Янги сунъий денгиз

Капчағай гидроузели қурувчилари Балхаш бўйи жанубида барпо этаётган тўғондан нарирокда сунъий денгиз бўлади. Бу сув омбори Или дарёсидан 28 миллиард кубметр сувни қабул қилиб олади.

15 июнда келгуси Новоилийск шаҳрининг биринчи кварталы қурилиб бўлди. Қумлоқ, дашт чеккасида барпо этиладиган бу денгиз бўйидаги шаҳар Олмаотанинг йўлдош шаҳри бўлади.

НАМУНАЛИ ГАЗЕТАЛАР


Қўйи матбуотнинг ишлаб чиқаришни юксалтириш, замонамизнинг ёш авлодини коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялашдаги роли янада ортиб бормоқда. Яқинда Киров район партия комитетида корхона, муассаса, олий ва ўрта ўқув юртлари деворий газеталарининг кўрик-конкурси бўлиб ўтди.

Кўрик-конкурсда район штатсиз инструктори Г. Булгаков бошчилигидаги жюри райондаги ташкилотларда чиқадиган кўпгина деворий газеталарнинг ғоявий савияси сезиларли даражада ошганлигини қайд қилиб ўтди. Кўпгина деворий газеталарнинг редакцион коллегиялари, ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар, инженерлар ва кенг активлардан мухбирлар танлаганликлари айниқса диққатга сазовордир.

Ана шу ижобий томонларини ҳисобга олиб, конкурс жюриси 12-корхонанинг органи «Аэрогеодезист» (редактори А. Конфедерат), геология ва геофизика институтининг органи «Искатель» (редактори И. Рубанов), 12-ЖЭК органи «За коммунистический быт» (редактори Н. Винер) газеталарига биринчи мукофот беришга қарор қилди. Инструменталь заводининг органи «Инструментальщик» (редактори И. Солодков). Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги нархлар давлат комитети органи «Цена и экономика» (редактори Б. Кулешов) газеталарига 2-мукофот, «Юлдуз» фирмасининг органи «Швейник» (редактори Н Авдеева), Семашко номидаги институт ва шифохонанинг органи «За курортологию и физиотерапию» (редактори В. Шаварина), 10-ЖЭК органи «За новый быт» (редактори Н. Зайко), газеталарига 3-мукофотлар берилди.

Шунингдек, конкурс жюриси «Компрессор» заводида чиқадиган «Машинастроитель», Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш министрлигида чиқадиган «Энергетик», Давлат банки Ўзбекистон конторасида «Госбанковец», «Гидроэнерго» институтида чиқадиган «Гидрогеолог» «Узбексельмаш» заводининг 2-цехида чиқадиган «Запчасть», 51-мактабда чиқадиган «Юность», 150-мактабда чиқадиган «Комсомолдар» газеталарини Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлашга қарор қилди.

Деворий газеталар редколлегияларининг ишини янада яхшилаш мақсадида жюри деворий газеталар редакторларининг, матбуот активларининг тез-тез семинар-кенгашларини чақириб туришни, бу кенгашларга бошланғич партия ташкилотларининг секретарларини ҳам таклиф этишни тавсия қилди.



Пойтахтимиздаги «Ўзхлопкомаш» заводи ишлаб чиқараётган пахтачилик саноатида қўлланиладиган хилма хил амойиб машина-агрегатлар фақат республикамиз пахта саноати учунгина эмас, балки кўпгина дўст ҳамда социалистик мамлакатлар саноати учун ҳам жўнатиб турилади. Заводга тез-тез чет эллардан буюртмалар келиб туради.

СУРАТДА: янги пахта ишлаш агрегатлари.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 26 ЕТ



Пойтахтимизда қад кўтараётган кўп қаватли турар жой ва маданий-маиший бинолар Тошкент чиройини янада гўзаллаштирмоқда. Замонавий, чиройли биноларни бунёд этишда қароош қурувчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Суратда: Оқтепа массивида чап томонда Донецк қурувчилари барпо этаётган кўпқаватли бино.

«БАҲОДИР МАГНИТ»... КАФТДА

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида СССР Фанлар академисининг «Химия» павильони экспозициялари жуда ғалати янгиликлар билан тўлғазилди. Ўта ўтказувчан ниобий-цирконий қотишмасидан тайёрланган кичкина электромагнит катта қизиқиш туғдирди. Кафтга сигадиган ва ниҳояти икки килограммча келадиган бу асбоб 45—50 минг эрстед келадиган жуда катта магнит таранглигини олишга имкон беради. Шунчалик магнит майдони бера оладиган одатдаги электромагнит камида 20 тонна келиши керак!

СССР Фанлар академияси Металлургия институтининг олимлари ишлаб чиққан ўта ўтказувчан сим ўраб ясалган Соленоидни ишлаб чиққан. У жуда кучли магнит майдонлари бўлишини талаб этувчи мураккаб физик тадқиқотлар ва бошқа тажрибаларни ўтказиш учун қўлайдир.

Таркибида бор бўлган органик полимерлар ҳам павильонга келувчиларнинг диққатини жалб этмоқда. Янги химик моддаларнинг ҳайратга қолярлик хоссалари бор. Бу моддалар юксак температуралардан қўрқмайди, шиша, металлар билан яхши тишлашади. СССР Фанлар академиясининг Элементоорганик бирикмалар институтида борооргаиик полимерлар олинди. Олимлар шу составларни ўргапар. эканлар, ёнилғига озгина шундай модда қўшилса ички ёнар двигателларнинг детонациясини йўқотишини аниқладилар. Таркибида бор бўлган моддаларнинг бактерияларни ўлдириш хоссаси ҳам бор.

(ТАСС мухбири).

ФАН ОЛАМИДА

«ФОТОКЎЗ» ҲОСИЛНИ АНИҚЛАБ БЕРМОҚДА

Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида яратилган махсус аппарат ҳосилни аниқлаб бермоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалик министрликларининг топшириғига мувофиқ, фотометрик установка ёрдамн билан бу йил Қизилқум ва Қорақумда 100 миллион гектар яйлов текшириб чиқилди. Яйловлардаги ўтларнинг аҳволи аниқланди. Мутахассислар чиқарган хулосалар ем — хашакдан мақсадга мувофиқ фойдаланишда чорвачилик хўжаликлари учун қимматли қўлланмадир.

Институт ходимларидан бир группаси Днепропетровск областига жўнаб кетди.

«Фотокўз» пахтакорларнинг ҳам ёрдамчисига айланмоқда. масалан ўтган йили самолётга ўрнатилган бу аппарат билан Тошкент ва Сирдарё областлари колхоз ва совхозларининг пахтазорлари текшириб чиқилди.

(ЎзТАГ).

МЕТАЛЛ ҚИРҚАДИГАН ПЛАЗМА „ПИЧОҚ“

Қозоғистон Политехника институтининг металл ва рудаларни плазма билан ишлаш лабораториясида жуда қалин металл прокатларини қирқадиган янги асбоб (плазматрон) ясалди, деб ТАСС мухбири Олмаотадан хабар беради.

Қозоғистон плазмотронининг металлургия заводларида ишлатилаётган одатдаги плазма горелкаларидан фарқи шундаки, у тахминан тўрт-беш баравар кўп соатига 30—35 метр тезликда қирқади. У қалинлиги ярим метрга борадиган металл болванканн қирқа олади.

Плазматрон Магнитогорск металлургия комбинатида синаб кўрилди. Шу комбинатнинг мутахассислари металлурглар учун янги асбоб бунёдга келтиришда актив қатнашдилар.

„ВДР, Хайфон портига“

Пойтахтдаги электротехника буюмлари заводи Вьетнам Демократик Республикасидан пакет виключателлари ишлаб бериш ҳақида буюртма олган эди. Вьетнамликлар буюртмасини корхона аҳли муддатидан илгари адо этиб, ана шу адресга юборди.

— Корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар,— дейди завод маҳсулот бўлимининг бошлиғи А. Ф. Лидинова,— Ироқ, Ҳиндистон, Польша, ГДР, Куба каби дунёнинг 25 мамлакатига етказиб берилмоқда.— Бу йил ана шу чет мамлакатларга электротехника маҳсулотлари етказиб бериш 2,5 баравар орттди.

Шу билан бир қаторда чет эллардан келган буюртмалар папкасида бу йил жуда кўп адреслар пайдо бўлди. Завод ўзи ишлаб чиқарган биринчи маҳсулотни Сомали республикасининг Лас-Хорай шаҳрида қурилаётган балиқ консервалари заводига юборди. Шунингдек, Руминиянинг Турну-Северин кемасозлик заводи қурилишига ҳамда чет эл мамлакатларидаги бошқа қурилишларга ҳам завод ўз маҳсулотларини узлуксиз равишда жўнатиб турибди.

ЕР ШАРИДАН ХАБАРЛАР

ИККИ ТЕМИРЧИНИНГ ФАРЗАНДИ

Дархон шаҳридаги вагон-ремонт заводининг бош цехида монгол ва совет ишчилари меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг орасида совет инженери В. И. Афонин ҳам бор. Уни «икки темирчининг фарзанди» деб аташади.

Афонин Хабаровскдаги темир йўлчилар институтини аъло баҳолар билан тугатган, уни Новокузнецк шаҳрига мастер қилиб юборишди. Орадан тўрт йил ўтди. У тажрибали, ўз ишини яхши билган мутахассис бўлиб етишди. Афонин 1965 йилда Монголияга келиб, Янги Дархон районида ишлай бошлади. Дархон дегани монголча «темирчи» деганидир.

В. И. Афонин икки йил давомида йигирмадан ортиқ кишига машинист ёрдамчиси касбини ўргатди. Ҳозир унинг ўн иккинчи шогирди бор. Улар янги касбни муваффақиятли ўрганмоқдалар.

— Жуда ажойиб йигитларимиз бор, — дейди Афонин, — улар янги техникани жуда тез ўрганиб олмоқдалар. Мисол учун шогирдим Агвансадовни олиб кўрайлик. У моҳир мастер бўлиб етишди. Ҳар қандай машинани ремонт қила олади. Ишлаб чиқариш топшириқларини яхши уддаламоқда.

Чимид НАМЖИЛОВ,
ТАСС мухбири.
Улан-Батор.

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲАЁТИ ХАВФ ОСТИДА

Грецияда деярли икки ойдан буён фашистлар террори авж олмоқда. «Қора полковниклар» тўдаси демократик эркинликлар қолдигини ҳам тугатишга уриниб, мамлакатнинг нормал ҳаётини издан чиқаришдан ҳам тоймадилар.

Грециядаги ҳарбий тўнтариш Америка империализмининг агрессив моҳияти ортганлиги оқибатида юз берган жаҳондаги кескинлик билан чамбарчас боғлиқдир. Афинадаги тўнтариш. Яқин Шарқдаги воқеалар АҚШнинг Вьетнамдаги урушини авж олдириши — буларнинг ҳаммаси халқаро реакциянинг эрксевар халқларга қарши фитнасининг халқаларидир.

Ҳозиргача грек ватанпарварларидан неча кишн қамоққа олинганлигини ҳеч ким билмайди. Хунтанинг ички ишлар министри Патанос ўн минг кишн қамоққа олинганлигини айтмоқда.

Менинг олдимда Юра оролига олиб бориб ташланган икки ярим минг маҳбуснинг рўйхати турибди. Уларнинг кўпчилиги қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашганлиги учун олдин ҳам 15—18 йиллаб қамоқда ётиб чиққан. Мана энди яна Юра оролида азоб чекишяпти.

Чол ва кампирларга, 15—16 яшар йигит ва қизларга қамоққа олиш вақтида полиция участкаларида ва концлагерларда азоб берадилар. Макронисоснинг ана шу ўлим лагеридан бир тасодиф билан келиб қолган хати чиндан ҳам сабр-тоқати тугаган-кишининг ҳайқиригидир: «Бизларни ўлдиришмоқда. Одамлар азоб-уқубатларнинг яўрлигидан ақлдан озмоқда. Бизга ёрдам беринглар!» — деб ёзади у.


Илиу, Глезос, Киркос, Илиопулос каби ҳамманинг ҳурматини қозонган, бироқ ҳозирги вақтда охранка томонидан таҳқирланаётган кишиларнинг номини санаб ўтиш учун узундан-узоқ рўйхат тузиш керак эди. Грецияда шоир Яннис Рицос, профессор Микос Кицикисни ким билмайди дейсиз! Уларнинг ҳаёти хавф остида.

Миллий қаршилик кўрсатишнинг янги босқичи бошланди. Майнинг бошларида Афинада диктатурага қарши, демократияни тиклаш учун ватанпарварларнинг кураш фронти ташкил этилди. Бу фронт центр ва ўнг партиялар сўл группалари арбоблари томонидан тузилган. Ватанпарварлар фронти бюллетенининг дастлабки сони чиқди. Столим устида ҳозир Грецияда минглаб нусхада тарқатилаётган варақалардан бир нечтаси турибди. Уларнинг баъзилари қўлда ёзилган. Уларда Эллада халқи ватан озодлиги учун курашга қатъий аҳд қилганлиги айтилади.

Бугун, тарихнинг ҳозирги пайтида биз греклар учун халқаро маданиятнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортади. Ахир фақат Греция учун кураш олиб борилаётгани йўқ. Бу — Европада фашизмнинг яна вужудга келишига йўл қўймаслик учун олиб борилаётган курашдир.

Уруш ва жаҳолат кучлари Грецня ёки Вьетнамда. Яқин Шарқ ёки ер куррасининг бошқа бир ерида устун келишига жаҳон халқлари йўл қўймайдилар. Ҳа, йўл қўймайдилар! Фашизмга йўл йўқ.

Г. БЕЙКОС,
грек журналисти.
(АПН).



Гамбург (ГФР). «Бильд-Цайтунг» кўча газетаси шаҳар аҳолиси орасида унчалик эътибор қозона олмаган. Аҳён-аҳёнда ўтадиган йўловчилар оқ кийимлик танҳо сотувчининг олдидаги янги газетани олиш учун тўхтамайди ҳам.

А. Зайцев фотоси, ТАСС фотохроникаси.



«МУЗИКА» УЛҲАЛАРИ

Цюрихеда нео-жаз ҳозир мода бўлган «Роллинг Стаун» квартетини ижро этди. «Артистлар»нинг жазаваси тутган ишқивозлари залдаги мебелларни синдирдилар ва полициячининг бошини ёрдилар.

(Швейцарияда чиқадиган «Требюне Лозанн» газетасидан).

ПЎЛАТ АЛОҚАЛАР

Янги Гутадаги В. И. Ленин номидаги металлургия комбинати ҳамда Польшада юқори сифатли пўлатнинг яримини ишлаб чиқараётган «Варшава» сифатли пўлат заводи поляк ва совет металлургияси мустаҳкам ҳамкорлигининг ёрқин мисолидир. Бу корхоналардаги автоматик ускуналар ва машиналарнинг асосий кўпчилиги Совет Иттифоқидан келтирилган. Бу ерга Кривой Рог ва Урал темир рудасини ортган поездлар тўхтовсиз келиб туради. Янги Гутада совет ҳужжатлари асосида қурилган ва ўтган йили фойдаланишга топширилган вамонавий конвертор-кислород установкаси яқинда бир миллион тонна пўлат берди.

Польша ва Совет Иттифоқининг металлургия саноати соҳасида қардошларча ҳамкорлик қила бошлаганига йигирма йил тўлди. Силезиядаги Польша заводлари билан Украина ва Уралдаги совет заводлари мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда. Поляк металлурглари Жданов шаҳрида ўқмоқдалар ва маҳоратларини оширмоқдалар. Улар слябинглар ва конвертор-кислород установкалари, домна ва мартен печларида ишламоқдалар.

В. КУЗНЕЦОВ,
ТАСС мухбири.
Варшава.

«БАРБАРОСС» ПЛАНИНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ

ГИТЛЕР ГЕРМАНИЯСИНИНГ СССРГА ХИЁНАТКОРОНА ҲУЖУМ ҚИЛГАНИГА 26 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Бундан йигирма олти йил илгари 1941 йил 22 июнда Гитлер Германияси Совет Иттифоқига қарши боскинчилик ҳужумини бошлади. Совет Иттифоқининг халқлари тарихида энг оғир уруш бошланди. Бироқ шу билан бирга 1941 йилнинг 22 июни Германия фашист давлати ҳалокатининг бошланиши ва немис империалистларининг жаҳонга ҳукмронлик қилиш, халқларни қириш, асоратга солиш, бутун бир қитъаларни босиб олиб талаш бўйича тузган планларининг барбод бўла бошлаши ҳам эди.

Ўша вақтдаги Германия раҳбарларининг хиёнаткорлигига камдан-кам кишиларгина ажабланди. Австрияни забт этган, Чехословакияни босиб олган, ҳужум қилиш учун Глейвиц ёнида юзага келтирган фитнасидан фойдаланиш ва бошқа агрессия ҳаракатларини қилган фашистлардан ҳар нарсани кутиш мумкин эди. Аммо, 1941 йил 22 июнь якшанба кунида рўй берган вақеа ўзининг даҳшатлилиги, сурбетлиги, уятсизлиги билан шу вақтгача тарихга маълум бўлган ҳамма нарсадан ўтиб кетди. Империализмнинг халққа қарши, инсониятга қарши бўлган моҳияти монополиялар томонидан тарбияланган унинг зарбдор кучи — фашизмнинг башараси ҳеч качон бунчалик ошкор кўринмаган эди.

Фашист боскинчилари 1939 йил 28 августда Германия билан СССР ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузаётиб ўша вақтнинг ўзидаёк бу шартномани қандай қилиб бузиш ҳақида ўйлашган. Кейинчалик ҳам улар шу йўл билан ҳаракат қилдилар. 1940 йилнинг 18 декабрида Гитлер Совет Иттифоқига қарши ҳужум қилиш ҳақидаги 21-сонли директивага («Барбаросс» планига) кўл қўйди. Иккинчи куни эса Совет элчисини қабул қилиб СССРга нисбатан садоқатли эканини айтди. Ҳатто ҳужум қилинадиган якшанба куни ҳам ёмон ният билан танланган эди. Шу куни совет кишилари ишдан кейин дам оладилар, уларни ғафлатда қолдириб осон қўлга киритиш ва майиб-мажруҳ қилиш мумкин деб, ўйлади улар.

Ҳозир Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида совет кишилари душман қиличи нима учун баланд кўтарилганини ва совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида фашистлар Германиясини яксон қилиб бутун инсоният учун қандай жасорат кўрсатганини айниқса теран сезиб ва тушуниб турибдилар. «Англия билан бўлашётган уруш тугагунча тез ўтадиган ҳарбий операциялар йўли билан совет Россиясини енгиш керак» деб ёзилган эди «Барбаросс» планида. «Қизил Армия.— деган эди Гитлер 1941 йилнинг 9 январида бўлиб ўтган кенгашда, дойлан асаллан бошсиз ҳайкалдир». Ўша йилнинг майида чиқиб: «Мен Москвага ҳужум бошлаганимдан кейин қиш бошланғунча унга етиб олиш учун анча барвақтроқ юриш бошлайман» деган эди Гитлер ўз генералларига компаниянинг мақсади Совет Иттифоқини континентал давлат-социалистик давлат сифатида тамомила йўқотишдан иборатдир, деб тушинтирди.

Аммо улар бу билан ҳам чекланиб қолишни истамай, бошқа давлатларни босиб олиш, бутун дунёни забт этишни ҳам ўйладилар. «Беповё Россия тупрогида тугамас бойликлар ётибди,— деган эди Гитлер кенгашларнинг бирида.— Германия шу кенгликларни ишчи-соций ва сиёсий жиҳатдан эгаллаши керак... Бу билан у келажакда континентларга қарши кураш олиб бориш учун ҳамма имкониятларга эга бўлади». Яқинда Германия Демократик Республикасининг тарихчилари фашистлар Германиясининг ҳужжатларини топдилар. Бу ҳужжатларда Гитлер ва унинг ёрдамчилари Совет Иттифоқини босиб олгандан кейин Осиё. Араб Шаркини оккупация қилиш ва Марказий Африкада «Яхлит немис мустамлака империяси»ни вужудга келтиришни планлаштиргинликлари кўриниб турибди.

Вермахтнинг Австрия ва Чехословакияни босиб олиш, Польша ва Францияга қарши олиб борилган урушлар вақтида эришган муваффақиятлари фашистларни эсанкиратиб қўйди. Талофатлар оз, қўлга киритилган нарсалар эса катта эди. Буюк Британия голиб марҳаматига сиғиниб, таслим бўлишдан қатъий бош тортган бўлса ҳам 1940 йилда душманга сезиларли зарба бериш қобилиятига эга бўлиш чўққисида турсин, ҳатто деңгизда олиб борилган жанглар вақтида маглубиятларга учради. Гитлер Германияси СССРга ҳужум қилиш вақтида ўз қудратининг чўққисида эди. Унинг ихтиёридаги иқтисодий қудратлар Совет Иттифоқининг қудратидан кучлирок эди.

1941 йилнинг июнигача Германия ўз қуролли кучларининг сонини 8.5 миллион кишига етказди. Улардан тўртдан уч қисми Совет Иттифоқига зарба бериш учун ташланди. Боскинчилар армияси шерикларининг қўшинларини ҳам қўшиб санаганда тўла составдаги 190 дивизия, қариб 5 минг самолёт, 2800 га яқин танк, 48 минг замбарак ва миномётдан иборат эди. Мамлакат орқа томонидаги омборларда заводлардан келтирилаётган ниҳоят кўп сондаги жанговар техника (1940 ва 1941 йилларда Германияда 21 минг самолёт ва 7100 танк ишлаб чиқарилди) жамгарилди. Шундай қилиб душман чегара округларида совет қўшинларига нисбатан устунликка эга бўлди. Бу устунлик марказий йўналишда айниқса катта эди.

Шу нарсани ҳам ҳисобга олмоқ керакки, немис фашист армияси илгаридан сафарбар қилиб қўйилган, қариб икки йиллик жангларда тажриба орттирган, шунингдек қуруқлик қўшинларини авиация билан биргаликда ҳаракат қилдиришда тажрибасига эга эди.

Совет кишилари ва унинг қуролли кучлари ҳиёнаткорона зарбани қаҳрамонлик билан кутиб олдилар. Янги чегараларда истеҳкомлар қуриш ишлари тугалланмаганлигидан Қизил Армияни бирлаштириш қўшин туширилган жойларнинг ўзида олиб борилар ва дарҳол жангга киритилар эди. Душман биринчи эшелондаги қўшинларга катта талофатлар етказди. Унинг танк колонналари биринчи ўн кун ичида совет территориясининг узоқ ичкарисига ёриб кирди. Унинг самолётлари Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйидаги шаҳарларни бомбардимон қилди.

Немис-фашист раҳбарлигига урушнинг биринчи ҳафталарида ўз орзулари рўёбга чиқаётгандек бўлиб кўринган эди. 4 июлда Гитлер Совет Иттифоқи амалда ҳозирдаёк уруша ютказиб қўйди, деб баёнот берди. Аммо у тезда эҳтиёткорлик билан қаромат қиладиган бўлиб қолди. Ельня ёнида берган қарши зарбамиздан кейин Тихвин ҳамда Ростов ёнида кетма-кет қарши зарбалар берилди ва гитлерчиларнинг олга бора туриб Севастополни олиш учун уринишлари ҳам барбод қилинди. Сўнгра Москвага қилган ҳужумлари барбод қилинди. Ниҳоят Совет Армиясининг 1941—1942 йиллардаги қишки қудратли қарши ҳужумлари бошланиб кетди.

Йўқ. СССРга қарши бошланган уруш Европадаги капиталистик мамлакатлар бўйлаб хушчақчақ марш билан юриб ўтишларга сира ўхшамайди. Фашист армияси бошқа фронтларда 660 кун ичида қанча солдатини йўқотган бўлса шарқий фронтда бирнчи 60 кун ичида шунча солдатини йўқотди. Урушнинг биринчи йилида эса Гитлер вермахти унинг қўмондонлигидаги маълумотларга қарағанда 2 миллион солдат ва офицеридан ажралди.

Бу хиёнаткорлик учун олинган биринчи касосимиз эди. Чинакам қасос кейинрок олинди. Совет Армияси гоят катта куч сарфлаб душманни Сталинград остоналари ёнида тўхтатди. Уларни қуршаб, икки армиясини йўқ қилиб ташлади. Стратегик ташаббусни ўз қўлига олди. Совет жангчилари ўз юртларини боскинчилардан тозалаб, душманни ғарбга қувиб бора бошлади, унинг ўнлаб дивизияларини яксон қилиб, Гитлер райхининг ҳарбий машинасини тамомила тор-мор қилиб ташлади, фашист давлатини қулатиб, Берлин устида Советларнинг галаба байроғини тиклади.

Шу нарсани кўрсатиб ўтиш керакки, Москва ёнида қарши ҳужумга ўтган вақтимизда Совет — Германия фронтидаги фашист қўшинларининг умумий сони ҳарақатдаги Совет Армиясининг составидан бир миллион кишига кўпрок эди. Сталинград жанги бошланганида кучлар тенг бўлди. Фақат урушнинг учинчи йилидагина Совет қўшинлари Гитлер армиясидан 1,2 миллион кишига кўпрок бўлди.

Совет кишилари гитлерчиларга қарши СССРнинг собиқ иттифоқчилари бўлган АҚШ, Англия, Франция ва бошқа давлатларнинг душман устидан галаба қозонишида умумий ишга қўшган ҳиссасини муносиб баҳолайдилар. Аммо иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи фронти Совет—Герман фронти эди. СССРнинг қуролли кучлари гитлерчиларнинг 507 дивизиясини ва шерикларининг камида 100 дивизиясини яксон қилди. Немислар бутун урушларда йўқотган 13.5 миллион кишисидан 10 миллионини шарқий фронтда йўқотди.

Гитлер ўзининг «тарих учун» пухталик билан стенография қилинган нутқларидан бирида совет кишиларини назарда тутиб сдаваяларнинг ўзига хос хусусиятларини: «осмончалик куюнадилар, ўлгудек хафа бўладилар» деб таърифлади. Бу билан у фашистлар армиясининг биринчи кудратли зарбаларидек «ноэик табиатли» русларнинг руҳини тушириб юборади, демокчи бўлди.

Тарих жаҳонга ҳукмронлик қилмоқчи бўлган фашист даъвогарлар устидан эзаҳранда кулди. Улар совет кишиларининг табиатини тушуна олмадилар. Ҳа, совет кишиси турмуш ва меҳнат қувончларига тўлиб-тошган, у ўхшчақчақ бўла билади, у ўз нелажагига ишонган, унинг туганмас оптимизми ҳам шундан келиб чиқади. Совет кишилари урушнинг биринчи даврларидаги муваффақиятсиз, ликлар учун қаттиқ қайғурдилар, аммо умидсизликка тушмадилар. У душманни мудофаада ҳам, ҳужум қилиш вақтларида ҳам, юртида ҳам, ичида ҳам савалади.

Ҳар бир совет кишиси ҳоҳ солдат ёки маршал бўлсин, министр ёки оддий ишчи бўлсин, фронтчи жангчи ёки мамлакат ичкарисидаги механизатор бўлсин фашизм билан бўлаётган урушда ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги, ни сақлаб қолаётганлигини, бу озодлик ва мустақиллик самараларидан СССРнинг ҳамма граждандари баҳраманд бўлаётганини яхши билар эди. Бу эса жанг майдонларида боскинчилар билан оли, шаётган жангчиларнинг оташин ватанпарварлик, темирдек чидамлилик ва қаҳрамонлик кўрсатишлари учун туганмас манба бўлди.

СССР ва социалистик давлатларга қарши янги «блиц криг» планларини тузаётган кишилар тарихнинг бу сабогини унутмасликлари керак. 1941 йилдан бери орадан кўп вақт ўтиб кетди. Совет халқи ўз Ватанини мудофаза қилиш учун ҳозирги замон қудратли қуролларини юзага келтирди. Совет давлати ва социалистик ҳамкорлик давлатларига қарши қилинган ҳар қандай ҳарбий авантюрани ҳозир янада шармандали-рок окибат кутади.

Полковник П. ДЕРЕВЯНКИН,
«Советское военное обозрение» журналининг бош редактори, тарих фанлари кандидати.

Электрон машина — мелиораторлар кўмакдоши

Чўлда канал қазилди... Канал яқинидаги ерларда ер ости сувлари дарҳол ўз табиий режимини ўзгартирди. Ер ости сувлари юзага кўтарилса, тупроқнинг шўрланиши турган гап. Демак шўрланишга қарши курашиш учун олдиндан тайёргарлик кўриш керак. Ер ости сувлари режими прогнозини тузувчи гидрогеологлар юз бераётган хавф ҳақида мелираторларни огоҳлантирадилар. Прогноз эса гидравлик интегратор ёрдамида тузилади. Лекин бу машина топшириғини бир ёки икки йил ичида бажаради. Бундай суръат эса мелиораторларни қаноатлантирмайди.

Тошкентдаги Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ҳамда Узбекистон Фанлар академияси Кибернетика институти ходимлари гидравлик интегратор вазифасини электрон ҳисоблаш машинаси зиммасига юклашга аҳд қилдилар. Москва Давлат университетининг геология факультетида ўқиган ёш гидрогеолог олим Умаров бу ишда ташаббускор бўлди. Кибернетика институти ҳисоблаш марказининг старший илмий ходими П. Абдутолиев унга ёрдамга келди. Жанубий Мирзачўл канали зонаси бўйича электрон-ҳисоблаш машинасига «контрол иш» берилди. «Контрол иш» жавобига тўғри келди. Бунинг устига электрон машина гидравлик интеграторга нисбатан ўн баробар тезроқ жавоб берди.

Электрон-ҳисоблаш машинаси ҳозирнинг ўзидаёқ ер ости сувлари режими прогнозини тузиш юзасидан бир неча мустақил вазифани бажарди.

Машина ҳеч қандай мелиорация тўғрисида ўйламай, бемалол деҳқончилик қилиш мумкин бўлган участкаларни кўрсатиб берди. Шўр босадиган ерларни ҳам алоҳида белгилаб берди. Эндиликда лойиҳачилар харитага қараб зарур бўлган мелиоратив ишларни бажариш вақтини, жойини олдиндан планлаштириб қўйишлари мумкин.

Бошқа республикаларнинг гидротехниклари ва мелиораторлари Умаровнинг методи билан қизиқиб қолдилар. Яқинда Мурғоб, Теҳран ва бошқа районларда ер ости сувлари режими ўзгаришининг прогноз харитасини тузиб бериш тўғрисида Тошкентга Туркманистондан буюртма келди.

(АПН).

СМОЛЕНСК ТУПРОҒИДА

Митхат Галиевнинг ҳамкасб дўстлари уни «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланганини қутлаганларида у ҳурсандлигидан ўзини қўярга жой тополмас эди. Орқасидан, ҳушбичим йигит баланд гавдасини бир оз эгиб, ийманиб турарди.

Митхат уйига гўё қанот пайдо бўлгандек учиб борди. Уйдагилар унинг қувончини билгандан сўнг олам жаҳон суюниб кетишди. Шунда унинг кўз ўнгидан даҳшатли уруш йиллари аста-секин гавдалана бошлади. Гўё буларнинг ҳаммаси 20 йил бурун эмас, кечагина содир бўлгандек эди.

...Кечга яқин жанг майдони ҳувиллаб қолди. Қош қорайган маҳалда уфқда лахтаклахтак булутлар сузиб юрарди. Жангчилар эндигина тин олганларида, совуқ захрини сезишди. Олис-олисларда — Смоленск остоналарида душман батареялари аҳён-аҳёнда овоз чиқариб қўяди. Оппоқ қор билан қопланган чоналдум гепалидка гвардия лейтенанти Нероев ротаси жойлашган эди. Бу ротада ўзининг довюраклиги, толмас шижоати билан эътибор қозонган ўзбекистонлик йигит Митхат Галиев ҳам бор. У Тошкентдан жанг майдонига бирга келган рус йигити Иван Титов билан нима тўғридадир хотиржамлик билан гаплашарди.

Митхат батальон командири жасур, қўрқмас старший лейтенант Крилович дарров танди. Батальон командири Москва остоналарида кўрсатган жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Солдатлар ўз командирларини қаттиқ ҳурмат қилишар эди. У охирги ушокни солдатлари билан бирга бўлиб ер, сўнгги махоркасини ҳам улар билан бахам кўрарди. Жанг пайтларида у доим олдинда бўлар, солдатларини душман истеҳкомларига бошлаб борарди.

Командир оғир дақиқаларда солдатлари билан ҳамал мутойиба қилишар, кўнгилни кўтарар ва уларга далда берарди.

Мана, ҳозир у солдатлар ёнида пайдо бўлди-ю, уларнинг чеҳраларида қайдайдир бир ялик шуълалар балқиди. Солдатлар кўнгилларя кўтарилиб кетганидан ҳозирнинг ўзидаёқ жангга киришга тайёр эдилар. Лекин жанг гираншра тонготарда бошланишь лозим эди.

Тун осойишталик билан ўтди. Гоҳи-гоҳида маржон юлдузлар билан қопланган осмон қўйнида ракеталар ёниб, шуъла тўкади. Жанг яшин тезлигида бошланди. Тонготарда артиллерия қисмларининг отган ўқлари илон изи фашист траншеяларн бўлаб бехато нишонга тегарди. Шундан кейин душман батареяси ҳам тилга кирди. Улар ўрмон қўйнидан снаряд ёғдира бошладилар. Душман снарядлари солдатларимиз кўксини берган ер узра бодроқдек сочиларди.

Митхат траншеяда ётар, қиш осмонида шам шуълаларидек нурларни кўрарди. Унинг хаёлида шу пайт фашист снарядларидан ҳалок бўлаётган совет солдатлари гавдаланарди. Кўксини бир нарса йиртиб юборгандек эди, бу душманга бўлган нафрат хиссиёти эди. Снарядлар овози сўнди-ю, солдатлар ўрнидан қўзголди. Фашистлар қўлларига киритган ерни бой бермаслик учун қаттиқ қаршилик кўрсатишарди. Лейтенант Нероевнинг ротаси жойлашган участкада ҳужум бир оз сусайгандек бўлди. Фашистлар қўшимча резерв қисмларини келтиришга улгуришганди. Шу пайт тўсатдан батальон билан рота орасидаги алоқа узилди. Рота командири поль билан алоқа ўрнатишга уриниб кўрди.

— Ҳеч гап йўқ.—сўник жавоб берди ўрта ёшлардаги солдат.

— Ўнгдаги қўшни қисмни олиб кўрчи,— у ердан ҳам жавоб беришмаяпти.

Нероев оддий солдат Галиевга ҳозирги аҳвол ҳақида батальон командирига хабар беришни буюрди. Митхат вазифани бажариш учун ўрнидан сакраб турди. У чопиб кетаётган пайтда ортидан Нероевнинг «эҳтиёт бўл» деган овози эшитилди.

Галиев энди фақат ўзи учун эмас, балки сафдош дўстлари учун ҳам жавобгар эканлигини сезди. Қандай қилиб бўлмасин воқеани батальон командирига етказиш керак. Траншеяннинг сўнгги бошпанаси ҳам тугади. Митхат бироз кутиб турди, сўнг халдини ростлаб, чопиб кетди. Қулоқлари остидан ўқ чивиллаб ўтиб кетди. У ўзини қорга ташлади. Ёнида бир солдат жасади ётарди. «Алоқачи экан-да» деб хаёлидан ўтказди. Митхат оппоқ қорда анчагача қимирламай ётди. Сўнг ўрнидан туриб, энги-бўгри йўлдан буталар орасига ўзини урди. Ортидан отилган ўқ бош чийимини учириб кетди Митхат қоқилиб, қўлини силтади. Қўли бир силтанди-ю, кейин новдадек котди. У ўрнидан қимирлай олмас, қалин буталар ундан бир неча қадам олдинда бўлса ҳам, ўзини у ерга ололмас эди.

Митхат парқув қор устида қизил дог қолдириб судрала бошлади. Галиев батальон командирига маълумотни етказди, ярасини ҳам шу ерда боғлаб олди. Медицина ёрдам кўрсатиш батальонига Митхатни юборишмоқчи бўлганда у рози бўлмади.

Батальон командири Митхат ўрнига бошқа бир алоқачини Нероев ҳузурига юбормоқчи бўлди. Лекин Галиев бунга ҳам оёгини тираб олди.

Буйруқни лейтенант Нероевга ўзи етказиб бермоқчи бўлди. Оддий солдат Галиев олов қўргошини ёғилиб турган участкага ўзини урди. Батальон командири Крилов шу участканинг очиқ қисмини ажал «сўқмоғи» деб атаган эди. У шу ердан ўтаётган пайтда яна бир ўқ танига қадалди. Унинг аъзойи бадани зир-қиқиб кетди. Кўз ўнгини туман босгандек атрофи ҳиралашди. Гурсуллаб йиқилган ердан мадори қуриса ҳам батъзур турди. Ортида қорга қизил лента тақиб бемажол судралди. У қанча судралганини билмади. Уни сафдош дўстлари қолдан тойган пайтда учратиб қолишди. Митхат рота командири қаршисида турибди:

— Катюшалар ўт очган пайтда ҳужумга ўтишни керак,— дедию кейин йиқилдими ёки дўстлари суяб қолдими уни билмади.

Галиев анчадан кейин ўзига келди. Уни жанг майдонларида бир неча марта жарохатланган пайтда ўлимдан сақлаб қолган ҳамшира Баранова ўзишга келтириб, яраларини боғлади. Бироздан сўнг снайперчи Азаренко келди. Ёнига ўтириб чекиш учун гугурт сўради, мириқиб чеккалдан сўнг:

— Ўша сеня бош кийимингни ўқ билан уриб тушурган ит эмганни ўзим нарига дунёга жўнатдим. У қарагай устида ўтирган экан,

Шу пайт узоқларда миномётлар отган снарядлар гумбирлади. Митхат Галиев ҳужумга отланди. У икки марта яраланган бўлишига қарамай лейтенант Нероев билан ёнма-ён сафга кирди. Дўлдек ёғилаётган ўқ остида жангчилар номаълум тепаликдан пастга тушиб, фашист газандаларини чекинишга мажбур қилдилар. Шу пайт ундан нарироқда мина портлади. Галиев олдида олов устуни ловуллади...

У госпиталда кўзини очди. Кўзи қаравот ёнида ўтирган гвардия лейтенанти Нероевга тушди. У жилмайиб:

— Биз Смоленскга етиб келдик, тезроқ согайиб кетгин,— деб шошилинч ўрнидан турди.

Митхат ҳозирги кунда ҳам станок ёнида туриб, механатда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Унинг қаҳрамонлигини чорак аср ўтгандан сўнг эса олганларини туркистонлик йигит ҳеч қачон ўйламаган эди.

Митхат бошидан ўтганларини эслади-ю, мийигида кулиб қўйди.

В. МАМОНТОВ,
старший лейтенант.

МОДА АСОСИДА ИШЛАЙДИГАН МАШИНА

Сибирдаги энг кекса корхоналардан бири — Иркутскдаги «Пролетарий» трикотаж фабрикаси сифати яхшиланган замонавий махсулотлар ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Бу ишда фабрикага чехословакиялик мутахассислар ёрдам бермоқдалар.

Бу ерда доира шаклида тўқийдиган машиналар» (УНИА) ўрнатилмоқда. Бундай машиналар Чехословакиянинг Всетин шаҳрида чиқарилади. Ўнта машинадан дастлабки ўрнатилган бештаси ҳозирнинг ўзидаёқ тажриба маҳсулотлари — кофталар, костюмлар, свитерлар тайёрламоқда. Машиналар тўрт рангли турли тўқилишдаги ўстки трикотаж ишлаб чиқаради. Совет ва чехословак мутахассислари «УНИА» мода асосида ишлайди, бугун қандай кийим модада бўлса ўшани тўқийди, мода ўзгарса унга мувофиқ равишда машинани ҳам созлаш қийин эмас, демоқдалар.

(ТАСС мухбири).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 бет

22 ИЮНЬ, 1967 ЙИЛ.

● К И Н О ● К И Н О ● К И Н О ● К И Н О ● К И Н О

ЖАСОРАТ ҚИССАСИ

Қаҳрамон совет разведкачилари ҳақида Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда совет кинематографияс и д а бир қанча ажойиб фильмлар яратилди. «Разведкачининг жасорати», «Зигмунд Колосовский» ва сўнгги пайтда француз кинематографчилари томонидан яратилган «Кимсиз, доктор Зорге» фильмлари фикримизнинг ёркин далили бўла олади. Бу фильмларда Совет разведкачиларига хос энг яхши хусусиятлар мужассамлантирилди. Шунинг учун ҳам тамошабинлар бу фильмларни халигача эўр қизиқиш билан кўрадилар. Узбек кинематографчилари ҳам бу соҳадаги энг яхши традицияларни давом эттирган ҳолда Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек совет разведкачиларининг жасоратига бағишланган «26-си отилмасин» фильмини яратдилар. «Сенинг изларинг», «Дорбозлар» фильмларининг муаллифи Р. Ботиров режиссёрлик қилган. Бу унинг саргузашт жанрида яратган иккинчи фильмидир. Бизга маълумки, саргузашт жанри сюжетининг қизиқарлилиги, кутилмаган воқеаларга бойлиги ва кучли конфликти билан ажралиб туради. Лекин саргузашт жанрининг бу компонентларига амал қилиб яратилган фильмларнинг ҳаммасини ҳам ҳақиқий санъат асари дея олмаймиз. Ҳақиқий санъат асари даражасига кўтарилиши учун бундай фильмлар яна чуқур характерларга эга бўлиши керак. Режиссёр Р. Ботировнинг ютуғи ҳам шундаки, у ўзининг бутун эътиборини персонажларнинг ички дунёсини, уларнинг характерини очиб беришга қаратади. Бунн биз фильмдаги асосий образлар мисолида кўрамиз.

Фильм марказида ўзбек разведкачиси Санд Исломбекнинг тақдири ётади. У немислар ичига ўша пайтда Германияда ташкил топган реакцион «Туркистон миллий комитети»нинг марҳум раиси Мустафо Чоқаевнинг жияни сифатида юборилади. Бу ташкилотнинг асосий эътибори Ўрта Осиёга қаратилган эди. Санд Исломбекнинг олдига қўйилган вазифа бу ташкилотнинг ишлари ва планлари ҳақида хабар бериб турнш эди. Бу разведкачидан катта маҳорат, тадбиркорликни, мардликни талаб қилади. Санд Исломбек ана шундай разведкачилардан. Бу ролни фильмда томошабинга бир қатор фильмлар орқали таниш бўлган кобилиятли артист Т. Режаметов ижро этган. Биринчи кадрларданоқ Т. Режаметов ижросида Санд Исломбек жасур йигит сифатида гавдаланади. ССчи Дитрихнинг кабинетидаги сўроқни эсга олайлик. Қаттиқ тикилиб турган қонхўр гестапочининг бирин-кетин берабётган саволларига совуққонлик билан, ўзини йўқотиб қўймасдан хотиржам жавоб беради. Бу ерда Санд Исломбекнинг ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўзини ушлайбилишлик каби ажойиб ҳусусиятини кўрамиз. Артист Т. Режаметов ўз қаҳрамонидаги бу хусусиятни Ноенбургершграссе кўчасидаги воқеада янада тўлароқ



очиб берган. Кўз олдимизда катта кенг кўча. Немис солдати формасини кийиб олган Санд Исломбек — Т. Режаметов тротуар бўйлаб ўққдан-бўққа қадам ташламоқда. У ахён-ахёнда соатига қараб қўяди. Санд Исломбек кимнидир кутмоқда. Шу пайт кўчанинг нариги бетида қора машина тўхтайди ва ундан икки киши чиқиб, у томонйўл олади. Бошқа томондан унинг кута ётган одами чиқиб қолади. Санд Исломбек сирни бой бермаслик учун ўзини таниб кетади. Кейинги кадрларда Санд Исломбек характерининг янги қирралари очилиб боради. Жосуслар мактабига юборилган Санд Исломбек эҳтиёткорлик билан ўзига алоқачи танлайди, «Туркостиллє» бошқармасининг бошлиғи Ольшернинг секретаридан усталик билан фойдаланиб, Совет давлатига қарши тайёрланаётган режаларни пучга чиқаради. Бу эпизодлар тажрибали, ўз ишига уста довюрак разведкачи ҳақида тасаввур беради. Артист Т. Режаметов ижросида Санд Исломбек ўз ватанини жонидан ҳам ортиқ севувчи ватанпарвардир. У сўнгги, энг таъсирчан эпизодда Ватан учун ҳеч иккиланмай ўзини қурбон қилади. Томошабин Санд Исломбекнинг ўлим олдидаги магрур қиёфасини кўриб социалистик ватанимиз вояга етказган бундай кишилардан ғурурланади.

Фильмда Нодия образи ҳам эътиборни жалб қилади. У талантли артист Ойдин Норбоева талқинида фожиавий образ даражасигача кўтарилган. Дастлабки кадрларда Нодия ўз ишидан мамнун кўринади. Лекин чуқурроқ қарасак, бу гўзал қизнинг катта-катта қора кўзларида қандайдир ғамгинликни кўрамиз. Бунинг сабабини Санд Исломбек билан бирга сайр қилиб юрганида биламиз. Артист томошабинни астасекин ўз қаҳрамонининг ички дунёсига бошлайди. У Санд Исломбек билан суҳбатида ўзи асли қўқонлик эканини ва болалигида тақдир бу ерга олиб келиб ташлаганини айтади. У Санд Исломбекка «Сен ватанингга қайтишинг мумкин. Мен бу ердаям у ердаям бегонаман» дейди. Бу сўзлар Нодиянинг бутун фожиали аҳволини тасвирлаб беради. Нодия Санд Исломбекни довюраклиги ва ҳамшаҳари бўлгани учун севиб қолади ва унга маҳфий планни қўлга киритишда астойдил ёрдамлашади. Артист О. Норбоева Нодиянинг ички дунёсини ҳаққоний ва ишонарли қилиб кўрсатиб бераолган.

Фильмда бошқа образлар ҳам, муваффақиятли чиққан. Бу биринчи навбатда душман лагерининг вакиллари бўлган Курт Дитрих ва Ольшер образларига тааллуқлидир. Улар К. Қармс ва А. Попов ижросида тажрибали, айёр ССчи жаллодлар сифатида гавдаланади.

Умуман фильмдаги ҳар бир образ кичик ёки катталигига қарамасдан ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бу режиссёрнинг ҳар бир образ устида актёрлар билан пухта иш олиб борганининг кўрсатади. Ёш режиссёр Р. Ботировга бундан кейин ҳам яхши-яхши бадиий фильмлар яратишда муваффақият тилаймиз.

Б. ИСКАНДАРОВ.

СУРАТЛАРДА: «26-си отилмасин» фильмидан кадрлар.



Суратда: ҳамшаҳарларимизнинг севимли оромгоҳларидан бири — Тошкент денгизида

А. Абалъян фотоси.

ҲУЖУМКОР СТИЛЬ МАЪҚУЛ

„ПАХТАКОР“НИНГ РАҚИБЛАРИ

«Пахтакор»нинг кема-кет мағлубиятга учраётганлиги сабаби нимада? Биринчидан, «Пахтакор»да интизом масаласи анча сусайиб кетган. Тошкентликларнинг етакчи, зарбдор ўйинчиси Г. Красницкий «Шахтёр» билан бўлган учрашувда ўйинини ташлаб чиқиб кетди. Бу ишқибозларга ҳам, командадош дўстларига ҳам муносабатсизлик эди. СССР футбол федерациясининг спорт техника комиссияси уни яна уч ўйинда қатнашишдан маҳрум қилди. Бундай қўпгилсиз аҳволни «Пахтакор» командасининг раҳбарлари, Ўзбекистон футбол федерацияси жиддий ўйлаб кўриши керак. «Пахтакор» олий лигада ўзбек спорт шарафини ҳимоя қилаётган якка-ю-ягона команда экан, демак у ўзига топширилган вазифани шараф билан адо этиши керак.

Иккинчидан, «Пахтакор»нинг бош тренери Б. Аркадьев ҳимоя линиясига кўпроқ эътибор бермоқда. Ҳужумчиларни қўллаб-қувватлаш лозим бўлган ярим ҳимоячилар ҳимоя вазифаларини чегараланиб қолмоқда. Бу эса рақиб. ўйинчиларини кенг фронт бўйлаб ҳаракат қилишига имконият яратиб беряпти. «Пахтакор»нинг тренерлари командага агрессив, ҳужумкор ўйин тактикасини қўллаши зарур. Акс ҳолда Пахтакорчилар ўзларининг аввалги деярли ҳамма командаларни даҳшатга солувчи ҳужумкор стилини йўқотиб қўяди.

«Пахтакор»нинг бугунги рақиби «Спартак» 12-турда «Қайрат» билан биттадан очко бўлишиб олди.

Ўзининг «бетон» ҳимоялашш тактикаси билан эътибор қозонган «Крилья Советов» «Зенит»ни катта ҳисоб (4:0) билан мағлубиятга учратди. Куйбишевликлар деярли кўп ўйинларда ҳимоялашш тактикасини қўллаб, дуранг натижага эришар эдилар. «Зенит» устидан қозонилган галаба, «Крилья Советов» ҳам ниҳоят ҳужум тактикасини қўллашга ўтганлигини кўрсатяпти.

Москва армиячиларидан мағлубиятга учраган Минск динамочилари 13-турда «Крилья Советов» билан Куйбишев шаҳрида беллашади. «Зенит» ўз майдонида пойтахт армиячиларини қабул қилади.

«Пахтакор»дан икки очкони тортиб олган Москва динамочилари «Қайрат» билан, Ростов армиячиларига бир очко бериб юборган Тбилиси динамочилари «Шахтёр» билан, донецкликлар елкасини ўз майдонида ерга текказа олмаган «Торпедо» (Кутаиси) АСК (Ростов) билан, арман футболчиларидан 1:0 ҳисобида енгилган «Локомотив» «Нефтяник» (Боку) билан учрашади.

САККИЗ МАРТА СССР ЧЕМПИОНИ

Москванинг «Спартак» командаси Иттифоқимизда ўз атрофига энг кўп ишкибозларни тўплаган коллективлардан бирндир. «Спартак» 1936 йилда ташкил топган бўлиб, шу йилдан буён ҳозиргн кунгача мамлакат биринчилиги ўйинларида иштирок этиб келмоқда.

Спартакчилар биринчи марта 1936 йил мамлакат биринчилиги учун яшил майдонларга тушдилар. Шу йили кузда етти команда орасида учинчи ўринни олдилар. 1936 йил баҳорида эса Спартакчилар мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритдилар. Шу йиллари СССР биринчилиги ўйинлари икки марта — кузда ва баҳорда ўтказилар эди.

1937 йили «Спартак» фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

Спартакчилар 1936 йилдан бери саккиз марта СССР чемпиони унвонини қўлга киритиб, тўрт марта кумуш медаль, олти марта бронза медаль эгаси бўлдилар. Ҳозирги кунгача спартакчилар энг кучли командалар орасида 704 та матч ўтказдилар. 359 матчда ғалаба қозониб, 177 матчда майдондан бош эгиб чиқиб кетганлар. Улар 168 учрашувда дуранг натижага эришганлар. Бу учрашувлардаги тўплар нисбати 1345 — 798 дир.

Шунингдек, яна, спартакчилар СССР хрусталь кубоги учун бўлган ўйинларда ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритганлар. Москваликлар кубок ўйинлари учун деярли энг асосий даъвогар ҳисобланадилар. Улар ўн марта финалга чиққан бўлсалар, шундан саккизтасида ғолиб чиқиб, СССР хрусталь кубогини Москвада олиб қолганлар.

Москвалик футбол шинавандаларининг энг севимли командаси «Спартак» негадир бу йилги футбол мавсумида ўз мухлисларини хурсанд қилолмаяпти. 12 турдан сўнг 10 очко жамғарган спартакчилар турнир жадвалида «Пахтакор»дан олдинги ўринни эгаллаб турибди. «Спартак» составида В. Масленко, И. Варламов, В. Дикарев, А. Корнеев, А. Крутиков. В. Петров, В. Амбарцумян, Г. Логофет, Ю. Фалин, Н. Осянин, В. Рейнгольд ва Ҳусаинов каби моҳир чарм тўп усталари бор. «Спартак»нинг капитани Г. Ҳусаинов ўз командасининг мағлубиятларини изоҳлаб: «Спартак» доим чемпионат бошида кўп муваффақиятсизликка учрайди, кейинчалик ўзини ўнглаб олади, «деган эди. Лекин бу фикр Москва спартакчиларининг чемпионат ўйинларида муваффақиятсиз қатнашаётганликларини тўла изоҳлай олмайди.

«Спартак» билан «Пахтакор» ўзаро ўн марта учрашган. Москваликлар уч учрашувда, пахтакорчилар ҳам уч учрашувда голиб чиққанлар. Тўртта учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Лекин тўплар нисбати москваликлар фойдасига 16:15.

«Спартак» мамлакат чемпионати ўйинларида ўз дарвозасидан ҳаммаси бўлиб. 798 та тўп ўтказиб юборганлигини биз юқорида айтиб ўтган эдик. Агар пахтакорчилар бугунги учрашувда ҳамжиҳатлик руҳида ўйнаб, рақиблар дарвозасига иккита тўп киритсалар, москваликлар дарвозасига 800-юбилей тўпини киритган бўлардилар. Биз «Пахтакор»га омад тилаймиз.

Н. РАҲИМЖОНОВ.

Рёдактор ўринбосари

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

22 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 А. Навоий юбилейи олдидан. Навоий лирикаси (ўзбекча).

18.30 **Республика ёш ижрочиларининг концерти.**

19.20 Татар куйлари.

20.00 «Октябрь» радиостанциясининг программаси (русча).

20.30 Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.

21.25 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**

22.00 **Қардош социалистик мамлакатларда** (ўзбекча).

22.10 «Алангали йиллар қўшиқлари» деган музикали-адабий радиокомпозиция.

22.40 Ф. Хўжаевнинг «Марфа опа» деган ҳикояси (русча).

23.00 **Футбол. «СПАРТАК»** (Москва) — «ПАХТАКОР». Москвадан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 **Ёшлар ижоди** (ўзбекча).

19.30 Эстония композитори Хейно Эллер асарларидан концерт.

20.10 **Шу куннинг қўшиқлари.**

20.50 Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан. «Ер ости сувлари жиловкорлари» деган эшиттириш (русча)

21.00 **Тожикистон композиторлари асарларидан концерт.**

21.30 «Қорунд игнаси ҳикояси» деган музикали очерк.

23 ИЮНДА

ЎЗБЕКИСТОН ОБЛАСТЛАРИ РАДИОФЕСТИВАЛИ

ЭФИРДА — ХОРАЗМ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 **Танбурчи Ж. Сандалиев ижросида концерт.**

8.25 **«Хоразм меҳнаткашлари, сизлар учун»** деган концерт.

9.30 Чолғу куйлари.

11.10 **«Хоразм меҳнаткашлари — юбилейга».** Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов сўзи.

11.25 **Хоразм куйлари.**

12.15 **Спорт эшиттириши** (ўзбекча)

12.30 **Ўзбекистон радиоси солистлари ва халқ чолғу оркестрининг концерти.**

12.50 Ижимий темаларда эшиттириш (русча).

13.30 Куйлардан-куйларга.

14.00 **«Хоразм далаларида»** деган радиоочерк (ўзбекча).

16.10 «Григ музика ва музикачилар ҳақида» деган радиокомпозиция.

17.00 **Республикада хизмат кўрсатган артист Али Хўжаев ижросида концерт.**

18.10 **Дўстлик концерти.**

18.30 «Хоразмнинг янги қурилишлари». Область ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Т. Кудрин суҳбати (русча).

18.40 **Концерт.**

19.20 Социалистик мамлакатлар халқларининг куйлари.

20.00 «Хоразм — юбилей вахтасида» деган эшиттириш (русча)

20.15 «Хоразмликлар, сизлар учун» деган концерт.

20.45 **«Хоразмнинг меҳнат совғалари»** деган эшиттириш (ўзбекча)

21.25 **Хоразм области қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**

22.00 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).

22.10 М. Юсупов. «ХОРАЗМ ҚУШИҒИ» операси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус халқ хорларининг концерти.

19.00 **Мақомлардан парчалар.**

19.30 Поэзия шинавандалари учун. Е. Чарец шеърлари (русча).

20.10 **Хоразм меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ концерт** (ўзбекча).

20.50 «Хоразм индустрияси юксалмоқда» деган эшиттириш (русча).

21.00 «НАВО» концерти.

21.30 **Совет ёшлари кунига бағишланган адабий-музикали эшиттириш** (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Л. Делиб. «Лакмэ» операси.

Телевидение

22 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 «Долзарб кунлар». Қозоқ тилида эшиттириш.

Ўзбек тилида:

18.35 **«Юбилей қурилишларида».**

18.55 Телевизион янгиликлар.

19.10 **«Халқ контроли амалда».**

19.35 «ДОКТОР ШЛЮТТЕР». Телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси.

21.00 **Ярим аср йилномаси.** «ҲАМ ҚЎШИҚ, ҲАМ СИМФОНИЯ».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги учун. «СПАРТАК» — ПАХТАКОР. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

23.45 **«Жаҳон бир ҳафта ичида».**

00.10 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

Ўзбек тилида:

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Физика. **«Иссиқлик машиналари»** (давоми).

19.05 Математика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Ўқувчилар учун. «Жанговар шуҳрат жойлари бўйлаб». Ленинград шаҳридан олиб кўрсатилади.

20.20 Улуғ Ватан уруши хроникаси. (Биринчи эшиттириш). Улуғ Ватан уруши бошланган кунининг 26 йиллигига бағишланади.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.20 «Уруш ҳақида қўшиқлар». Концерт.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

22.00 **«Халқ қаҳрамонлиги абадий».** Ҳужжатли фильм.

22.20 Мексикалик артистлар ижросида концерт.

22.40 «ҲАЁТНИНГ БОШЛАНИШИ». Бадиий фильм.

23 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Тележурнал.

18.50 Реклама ва эълонлар.

18.55 «Музикали календарь».

19.45 «Ота-оналар университети».

20.20 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.25 Телевизион янгиликлар.

20.40 **«Ноз-неъмат бунёдкорн»,** Сабзавоткорлар учун эшиттиришлар программаси.

21.15 Пойтахтимиз меҳмонлари.

21.45 «ДОКТОР ШЛЮТТЕР» телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. «Тўйинган ва тўйинмаган бўғлар».

18.35 Математика. «Тригонометрик тенгламалар».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги». Олмаота шаҳридан олиб кўрсатилади.

20.20 Телевизион янгиликлар.

20.30 Москвада Озарбайжон ССР ҳафталиги. ХХЮВдан миллий байрам олиб кўрсатилади.

22.30 «Менинг дўстим, Хрисго». Днепропетровск шаҳридан олиб кўрсатилади.

23.00 Янгиликлар эстафетаси.

24.00 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

17.00 ОЛМАОТА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

19.30 Эшиттиришлар программаси.

19.35 Болалар учун. **«Ёш табиатшунослар».**

19.55 **«Қолғанн 17».** Телефильм.

Рус тилида:

20.15 **«Ҳайвонлар Боряни нимага ўргатдн».** Илмий-оммабоп фильм.

20.35. **«Йўқолган ревю».** Фильм-концерт.

21.05 **«Британ оролларида учрашув».** Ҳужжатли фильм.

21.35 **«Утесовникида меҳмонда».** Телефильм.

Кино театрларда

22 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

26-отилмасин — СОБИР РАҲИМОВ номли (ўзбек ва рус тилларида). «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Спартак — «МОСКВА» (кечқурун).

«Экран қулади» Катта кинопрограмма — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.15 ва 9.15 минутда).

«Шантеклэр» маликаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 ва 10 яримда бошланади).

26-отилмасин — НАВОИЙ номли. «ФЕСТИВАЛЬ».

Бегона ҳужжат билан — «ХИВА».

23 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

26-отилмасин — СОБИР РАҲИМОВ номли (ўзбек ва рус тилларида). «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун) САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз соат 1 ва 3 да).

Бегона ҳужжат билан — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Катта кинопрограмма «Экран қулади» — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.15 ва 9.15 минутда).

Спартак — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 ва 10 яримда бошланади).

26-отилмасин — НАВОИЙ номли. «ФЕСТИВАЛЬ».

Бегона ҳужжат билан — «ХИВА».

Спартак — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

30 июнгача

(иккинчи қават)

Ўзбекистон шаҳарлари, Марғилон, Наманган ва Самарқандда ишлаб чиқарилган ипак газламалар сотиш

КЎРГАЗМАСИНИ УТКАЗАДИ

Кўргазмага 130 хил гулли газламалар, кўйлак, кўйлак-костюм, сарафан, юбка учун ишлатиладиган ҳар хил бежирим газламалар қўйилган. Айниқса, «Бирюса», «Гулбаҳор», «Регистон» янги газламалари эътиборни ўзига тортади.

Сизни кўргазмага таклиф қиламиз!

Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрининг ёзги биносида

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛИ

24/VI да **Гули сиёҳ,**

25/VI да **Хавфли учрашув,**

26/VI да **Икки ўт ўртасида.**

27/VI да **Тақдир,**

28/VI да **Ўлмаклар кечирмайди,**

29/VI да **Катта концерт.**

Бошланади кеч соат 8.30 да.

Касса кундуз соат 3 дан очиқ

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН «СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИ БОШҚАРМАСИга

труба ётқизувчи кранлар машинисти, автокранчилар, қурилиш машиналари ва тракторлар ремонти учун **чилангарлар, газ ва электропайвандчиларни** Тошкент шаҳрида ва чет жойларда ишлаш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Иш ҳақи ишбай асосида тўланади. Шаҳардан ташқарида ишлаганлар учун иш ҳақига 85 процент қўшимча ҳақ тўланади. Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 81 уй, (33 автобуснинг «Автобаза» тўхташ жойи).

ЗОНА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ВА БИР ШАКЛДАГИ ВА ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА ЖАМОАТ, ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ (ТашЭНИИЭП)га

қоровуллар, санитария техникаси бўйича **чилангарлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Аброр Ҳидоятов кўчаси, кадрлар бўлими. (телефон 40272).

«ТАШЭЛЕКТРОМАШ» ЗАВОДИГА

слесарлар, тузатиш ва созлаш асбобсозлари, ўлгувчилар, штамп созловчилари, фрезерчилар, штамповкачилар, тракторчи, секретарь-машинистка, токарлар, ҳар хил касбга ўргатиш учун ўқувчилар (8-10 синф маълумоти борлар), **бухгалтер, усталар, мол сотадиган бўлим бошлиғи**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-76, Матрос кўчаси, 176 уй (5, 22 автобусларнинг «Шумилов боғи» тўхташ жойи). Телефонлар: В-3-74-14, В-3-18-34.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент оқшоми 4БЕТ

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси. 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 83-02-49 дан 83-02-58гача. редактор ўринбосарлари — 83-29-33, 83-29-09; масъул секретарлар — 83-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 83-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — коммутатор орқали 7-81; адабиет, санъат ва маданият бўлими — 83-29-55; катлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 83-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 83-27-57; ахборот бўлими — 83-65-57; эълонлар бўлими — 83-81-42.

22 ИЮНЬ. 1967 ИИЛ. Р. 05414. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 2938.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР